

Шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юртига ташриф буюрди



11:41 / 28.11.2023 1410

2023 йил 28 ноябрь куни шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юртига ташриф буюрдилар.

Меҳмонларни «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мудирини устоз Абдулҳаким қори Матқулов мамнуният билан кутиб олдилар.



Ташриф давомида меҳмонлар мадрасада яратилган замонавий шароитлар билан танишдилар.



Сўнгра талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.



Ташриф сўнгида шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юртида таълим учун яратилган шароит ва таълим сифатини юқори баҳолар экан, билим юрти раҳбарияти ҳамда у ерда фаолият олиб бораётган устозлар ва ходимларга миннатдорлик билдириб, келгуси ишларида муваффиқият тилаб, дуолар қилдилар.



